

«Тасдиқлайман»  
«Ўздонмахсулот» АК

Бошқарув раиси ўринбосари



Э. Алимов

2018 йил

## Дон маҳсулотларини қайта ишлаш ва маҳсулотларнинг янги турини жорий этиш бошқармасининг Н И З О М И

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом “Ўздонмахсулот” Акциядорлик компаниясининг Дон маҳсулотларини қайта ишлаш ва маҳсулотларнинг янги турини жорий этиш бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб юритилади) фаолиятига қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Бошқарма ўз фаолиятини компания таркибидаги корхоналар ҳамда республиканинг бошқа вазирликлари ва идоралари тегишли бошқармалари билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга оширади.

4. Бошқарма компания раҳбарияти томонидан қўйилган масалалар ёки бошқарманинг ваколати доирасига тегишли бўлган масалалар бўйича компания номидан барча ташкилотларда иштирок этади.

5. Бошқарма бошлиғи ва ходимлари компания Бошқарув раиси буйруғига асосан тайинланади ва ишдан бўшатилади.

### II. БОШҚАРМАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

6. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) Компания таркибидаги корхоналарда дон маҳсулотларини қайта ишлаш, ун, ёрма, нон ва нон маҳсулотлари, макарон, қандолат, омухта-ем ва қоп ҳамда бошқа турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш;

б) Дон маҳсулотлари корхоналарини янги замонавий илғор техника ва технология билан модернизация қилиш, шу мақсадда хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга тавсиялар бериш;

в) ун, ёрма, нон ва нон маҳсулотлари, макарон, қандолат, омукта-ем ва қоп ҳамда бошқа турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш бўйича ягона илмий-техника ва технология сиёсатини олиб бориш;

г) Компания таркибидаги корхоналарга ишлаб чиқариш йўналишлари, янги техника ва технологиялар бўйича ахборот хизматлари кўрсатиш, уларнинг кадрларини тайёрлаш ва доимий равишда малакасини ошириб борилишини ташкил қилиш.

### III. БОШҚАРМАННИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ.

7. Бошқарма ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

*1) дон маҳсулотларини қайта ишлаш, қоп ишлаб чиқариш соҳасида:*

а) Корхоналарни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни кўриб чиқиш ва замонавий талабларга жавоб бериши бўйича тавсиялар бериш;

б) Ўзбекистон Республикаси, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ун, ёрма, нон ва нон маҳсулотлари, макарон, қандолат, омукта-ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳамда ишлаб чиқариш қувватларининг баланси асосида ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг прогнозларини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш мониторингини олиб бориш;

в) ишлаб чиқариш имкониятларидан, хом-ашё ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш дастурларини амалга оширишда корхоналарга амалий ёрдам кўрсатиш;

г) дон, ун, ёрма, нон ва нон маҳсулотлари, макарон ва қандолат, омукта-ем маҳсулотларининг ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш ва қайта кўриб чиқишда иштирок этиш;

д) ун, ёрма, нон ва нон маҳсулотлари, макарон ва қандолат, омукта-ем маҳсулотларининг ишлаб чиқариш усулларини, технологик схемаларини замонавийлаштириш ва илғор технологияларни танлаш бўйича тизим корхоналарига амалий ёрдам кўрсатиш;

е) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ва унинг истеъмол товарлари бозорида рақобатбардошлигини таъминлашда корхона мутахассисларига тавсиялар бериш;

ж) омукта-ем ва ем аралашмалари ишлаб чиқариш учун сарфланган хом-ашё ресурсларини мониторинг қилиб бориш ва тегишли маълумотларни тайёрлаш;

з) дондан самарали фойдаланиш бўйича таҳлилий ишлар ўтказиб бориш;

и)



## 2. маҳсулотларнинг янги турини жорий этиш соҳасида:

а) маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида маҳсулотларнинг янги турини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича корхоналар билан ҳамкорлик қилиш;

б) янги технологияларни ва янги турдаги маҳсулотларни, соҳанинг ҳисобот ҳужжатларини ўрганиш ва жорий этиш бўйича корхоналарга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

в) шоли маҳсулотини қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш бўйича корхоналарга амалий кўрсатиш;

г) макарон ва қандолат маҳсулотларининг йиллик улгуржи ярмаркасини ўтказишда корхоналарга амалий ёрдам кўрсатиш;

д) ун, ёрма, нон ва нон маҳсулотлари, макарон ва қандолат, омукта-ем маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари балансини таҳлил қилиш;

е) “иссиқ нон” кичик новвойхоналарида маҳсул савдо дўконларини ташкил этиш ва ўрганиб чиқиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;

ж) тегирмонларда ишлаб чиқарилаётган унни минерал-витамин қўшимчалари билан бойитиш бўйича олиб борилаётган ишларни мониторинг қилиб бориш;

з) ун, ёрма, нон ва нон маҳсулотлари, шоли, макарон ва қандолат, омукта-ем маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мутахассисларини қайта тайёрлаш дастурларини амалга оширишда иштирок этиш;

и) ун, ёрма, нон ва нон маҳсулотлари, шоли, макарон ва қандолат, омукта-ем саноатининг ютуқлари, муаммолари бўйича конференция, семинар, йиғилишлар ўтказиш ва иштирок этиш;

к) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги замонавий технологияларни жорий этишда тизим корхоналарига амалий ёрдам кўрсатиш;

л) тизим корхоналари эҳтиёжидан келиб чиқиб полипропилен қоп ишлаб чиқаришни жорий этишда илғор технологияларни жорий этиш ва унинг ҳисобини юритиш;

м) “Тематик кўмитаси ва дегустация комиссияси” нинг ишларида иштирок этиш.

## IV. БОШҚАРМАНИНГ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 8. Бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича корхоналар ва ташкилотларнинг, мулк шаклидан қатъий назар, ишлари билан танишиб чиқиш;

б) ўз вазифасини бажариш учун керак бўлган ҳужжатларни, маълумотларни, ҳисоб ва бошқа ахборотларни белгиланган тартиб бўйича

“Ўздонмаҳсулот” АК таркибига кирувчи ташкилот ва корхоналардан олиш;

в) компаниянинг Бошқарув кенгашига ёки раҳбариятига ун, ёрма, нон ва нон маҳсулотлари, макарон ва қандолат, омухта-ем маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг моддий техника базаларини янги замонавий илғор техникалар билан модернизация қилиш, хом-ашёни қайта ишлаш ва маҳсулотларнинг янги турини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш масалалари бўйича таклифларини киритиш;

г) дон маҳсулотлари тизимидаги корхоналар, ташкилотлар ва бошқа соҳа корхоналари билан белгиланган тартибда бошқарма ваколатидаги масалалар бўйича ёзишмалар олиб бориш;

д) бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича семинар йиғилишлар чақириш ва ўтказиш, керак бўлганда унда қатнашиш учун “Ўздонмаҳсулот” АК ижро девони бўлимлари, корхоналарнинг, ташкилотларнинг раҳбарларини ҳамда мутахассисларини жалб этиш;

е) “Ўздонмаҳсулот” АК номидан Давлат ва бошқа жамоа ташкилотларида бошқармага тааллуқли масалалар бўйича иштирок этиш.

Компаниянинг бошқарув йиғилишлари ва мажлисларида қатнашиш.